

**Ш.Э. Зокиров,
кичик илмий ходим, ТДИУ хузуридаги ИТМ**

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА БАНДЛИК МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ТЕЗ ЎСУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ РОЛИ

В статье проанализировано значение быстрорастущих предприятий в экономике, их роль в решении проблемы занятости. Также рассмотрена методика определения быстрорастущих предприятий. Предоставлены предложения по стимулированию развития быстрорастущих предприятий в экономике страны и их роль в решении проблемы занятости.

The article analyzes the importance of fast-growing companies in the economy and their role in solving the problem of employment. It is also considered a method of determining the fastest-growing companies. Provided suggestions for promoting the development of fast-growing companies in the economy and their role in solving the problem of employment.

Калитли сўзлар: тез ўсувчи корхона, иш ўринлари, бандлик муаммоси, ўртача ўсувчи корхоналар, мутлоқ ўсиш, нисбий ўсиш, савдо айланмаси.

Бугунги кунда бандлик масаласи энг асосий ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Аҳолининг тезлик билан ўсиб бориши ҳамда янги иш ўринлари яратилиши ўртасидаги фарқ бандлик муаммосининг мамлакат иқтисодиётида сезиларли муаммоларни келтириб чиқаради.

Бандлик муаммосининг ҳал қилиниши иқтисодий ўсишнинг бош омили ҳисобланади. Янги иш ўринларини яратишда бугунги кунда иқтисодиётда фаолият олиб бораётган нисбатан тез ўсиб боровчи корхоналар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бундай тез ўсувчи корхоналар (high-growth enterprises) ва “ғизол” (gazelle) атамаси 1980 йилларда америкалик иқтисодчи Девид Берч томонидан киритилган. Тез ўсувчи корхоналар юқори даражада изчил ва барқарор ўсишга эга бўлиб, улар бошланғич 100 минг АҚШ долл. савдо айланмасини охириги 3 йил ичида йилига 20 %дан кам бўлмаган миқдорда ўсишига эришадилар. Бундай корхоналар узок даврда тез ва юқори суръатда ўсиб боради [5, -Р. 10]. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)нинг тез ўсувчи корхоналарни (High-growth enterprises or Fast growth firms) аниқлаш методикасига кўра, бундай корхоналар фақатгина савдо айланмасининг ўсиши билан эмас, балки янги иш ўринларининг ўсиши билан ҳам аниқланади. Тез ўсувчи корхоналар қаторига кирувчи корхоналар дастлабки 10 тадан кам бўлмаган иш ўринларини охириги 3 йил давомида ҳар йили камида 20 % миқдордан ошириши зарур. Ўртача ўсувчи корхоналар (Medium-growth enterprises) дастлабки 10 тадан кам бўлмаган иш ўринларини охириги 3 йил давомида ҳар йили камида 10 %дан 20 %гача миқдордан оширади. [3, -Р. 70].

Берк методикасига кўра, агар корхона қисқа муддатда ўз савдо айланмасини 20 %лик ўсишига эришса ҳамда навбатдаги йилларда ўсиш

1-2 %ни фоизни ташкил қилса, бундай корхоналар тез ўсувчи корхоналар қаторига кирмайди. Шунингдек, Берч методикасига кўра, тез ўсувчи корхоналар 20 дан кам бўлмаган иш ўрнига эга бўлиши керак [4, Р. 13].

Тез ўсувчи корхоналар оддий корхоналарга нисбатан кўпроқ янги иш ўринларини яратиш хусусиятига эга. АҚШ мутахассислари томонидан америка корхоналари фаолиятининг 2009-2012 йиллардаги фаолияти таҳлил қилинганда, қуйидагилар аниқланган:


- ушбу давр мобайнида тез ўсувчи корхоналар ҳажми сезиларли даражада кўп бўлмаса-да (АҚШдаги умумий корхоналар сонининг 2 %и), улар оддий корхоналарга нисбатан кўпроқ иш ўрни яратган;

- ҳар бир тез ўсувчи корхона ўртача 43,3 дона иш ўрни яратган, бу кўрсаткич оддий корхоналарда 4,5 баробар кам кўрсаткични кўрсатган;


- АҚШ меҳнат бозоридаги яратилган янги иш ўринларининг 62,4 %и тез ўсувчи корхоналар томонидан яратилган. Яратилган янги иш ўринлари асосан бешта тармоқда: чиқиндиларни қайта ишлаш (20,7 %); касбий ва илмий-техник хизматлар (11,5 %); соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот (10,7%); савдо (10,4 %); қайта ишлаш саноати (9,1 %) [2, -Р. 10].

Жаҳон миқёсида тез ўсувчи корхоналар ривожланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мамлакатда фаолият юритаётган умумий корхоналар сонидан тез ўсувчи корхоналар улуши энг юқори бўлган давлатларга Бразилия [ишлаб чиқаришда-6,8% (2006 й.), 8,2% (2011 й.); хизматлар кўрсатиш соҳасида-5,0% (2006 й.), 7,0% (2011 й.); қурилишда - 12,1% (2006 й.), 12,7% (2011 й.)], Янги Зелландия [ишлаб чиқаришда-4,9% (2008 й.), 6,7% (2011 й.); хизматлар кўрсатиш соҳасида-4,4% (2008 й.), 5,4% (2011 й.); қурилишда - 5,3% (2008 й.), 10,7% (2011 й.)], Франция [ишлаб чиқаришда – 5,7% (2009 й.); хизматлар кўрсатиш соҳасида – 8,4% (2009 й.); қурилишда – 7,3% (2009 й.)], Латвия [ишлаб чиқаришда – 7,0% (2011 й.); хизматлар кўрсатиш соҳасида – 5,6% (2011 й.); қурилишда – 6,6% (2011 й.)] киради. Умумий корхоналар сонидан тез ўсувчи корхоналар улуши энг кам бўлган давлатларга Руминия [ишлаб чиқаришда-1,0% (2008 й.), 0,9% (2011 й.); хизматлар кўрсатиш соҳасида – 1,3% (2008 й.), 1,8% (2011 й.); қурилишда – 1,7% (2008 й.), 1,2% (2011 й.)], Словения [ишлаб чиқаришда – 3,8% (2008 й.), 1,7% (2011 й.); хизматлар кўрсатиш соҳасида – 5,3% (2008 й.), 2,5% (2011 й.); қурилишда – 6,9% (2008 й.), 1,4% (2011 й.)] киради (1а, 1б-расмлар). Жаҳон иқтисодиёти амалиётида “Ғизол” мамлакатда янги иш ўринларини яратишда энг асосий аҳамият касб этади. Мамлакатлар ривожланиш хусусиятларига қараб бундай корхоналарнинг иқтисодиётдаги улуши ҳар хилдир. Мамлакат иқтисодиётида “Ғизол” корхоналар улушининг ошиб бориши, аввало, хизматлар кўрсатиш соҳасида, шунингдек, қайта ишловчи саноат тармоқлари ва бошқа тармоқларда янги иш ўринлари яратилишини тезлаштиради. Йирик корхоналарга нисбатан кўпроқ иш ўринларини яратиш имконига эга бўлган “Ғизол” корхоналарнинг инновацияларга мойиллиги кучлироқ бўлиб, иқтисодий конъюнктура ўзгаришларига тез мослашади, ўзларининг янги маҳсулот ва хизматлари билан бозорнинг янги секторларига нисбатан осон кириб борадилар.

(а)



(б)




1а,б-расм. Иқтисодийётда умумий корхоналар сонига тез ўсувчи корхоналар улуши, %да (2011 йил ёки мавжуд йил маълумотлари)

Манба: Entrepreneurship at a glance 2014 © OECD 2014, Enterprise growth and employment creation. High-growth enterprises, -p. 71.

Изоҳ: М – ишлаб чиқариш, S – хизматлар кўрсатиш, С – қурилиш.

Маълумки, ўртача ўсувчи корхоналар (Medium-growth enterprises) тез ўсувчи корхоналардан фарқли равишда иш ўринлари сони ёки савдо айланмасини ҳар йили камида 10 %дан 20 %гача миқдорда оширади. Бундай корхоналарнинг умумий корхоналар сонигаги улуши энг юқори бўлган давлатларга Франция (2009 йилда 9,8 %, 2011 йилда 10,0 %), Бразилия (2010 йилда 9,5%, 2011 йилда 9,6%), Исроил (2008 йилда 9,2%, 2012 йилда 8,5%) киради. Руминияда бу кўрсаткич энг паст ҳисобланиб, 2008 йилда 0,2 %ни ва 2011 йилда 0,1%ни ташкил қилган (2-расм). Ўртача ўсувчи корхоналар “ғизол”лар каби тез ўсишга эришмасалар-да, йирик корхоналарга нисбатан

кўпроқ янги иш ўринлари яратиши, шунингдек, уларнинг истиқболда “ғизол” корхоналарга айланишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳам мамлакатлар иқтисодиётидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.



2-расм. Иқтисодиётда умумий корхоналар сонига ўртача ўсувчи корхоналар улуши, %да (2011 йил ёки мавжуд йил маълумотлари)

Манба: Entrepreneurship at a glance 2014 © OECD 2014, Enterprise growth and employment creation. High-growth enterprises, -p. 71.

Европа мамлакатлари иқтисодиётида яратилган янги иш ўринларининг асосий қисми тез ўсувчи корхоналарга тўғри келиб, бу корхоналарда ўртача 50-100 иш ўринлари мавжуд. Тез ўсувчи корхоналарга тўғри келадиган ўртача иш ўринлари бўйича энг юқори ўринларда Руминия (142,0), Чехия (102,8), Словакия (99,7), Полша (95,6) ва Венгрия (90,9) туради. Бу кўрсаткич Люксембургда – 54,4 та, Норвегияда – 60,1 та, Италияда – 61,2 та, Финландияда – 62,7 та, Швецияда – 68,0 та, Францияда – 76,2 та, Дания ва Бельгияда – 69,0 та, Австрия, Нидерландия ва Испанияда – 70,0 тани ташкил қилади [3, -Р. 70]. Тез ўсувчи корхоналарда иш ўринларининг даврий ўсиб бориши мамлакатда бандлик муаммосини ҳал қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиётда фаолият юритаётган “ғизол” корхоналарни қандай аниқлаш мумкин? Қандай маълумотлар корхоналар тез ўсишининг ўлчови ҳисобланади (савдо айланмаси, ишчилар сони ва бошқалар)? Ўсишнинг қайси мезонлари қўлланилади (ўсишнинг мутлоқ ёки нисбий кўрсаткичларими ёки ҳар икки кўрсаткични қамраб олган “Берч индекси”ми)? Корхоналар тез ўсишини аниқлашнинг қатор математик ёндашувларини кўриб чиқамиз.

Корхоналар ўсишини аниқлашнинг барча ёндашувларида уларнинг савдо айланмаси ҳажми ва иш ўринлари сони кўрсаткичларидан фойдаланилади. Бинобарин, бу ёндашувлар корхоналарнинг юқори ўсиш суръатларига қандай эришиши, ўсиш индикаторларини танлашни таснифлайди. Д. Берч

методикасига кўра тез ўсувчи корхоналарни аниқлашда ўсишнинг энг муҳим индикаторлари куйидагилар ҳисобланади [4, -Р. 13]:

1. Мутлоқ ўсиш:

Мутлақ ўсиш кўрсаткичи корхонанинг базис ва жорий даврдаги савдо айланмаси ва иш ўринлари сони ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

$$AG_{t_1t_2}=(x_{t_2}-x_{t_1})$$

2. Нисбий ўсиш:

Нисбий ўсиш кўрсаткичи корхонанинг базис ва жорий даврдаги савдо айланмаси ва иш ўринлари сони ўртасидаги нисбат билан аниқланади:

$$RG_{t_1t_2}=(x_{t_2}/x_{t_1})$$

3. Берч индекси:

Берч индекси кўрсаткичи корхонанинг мутлақ ўсиш ва нисбий ўсиш кўрсаткичлари кўпайтмаси билан аниқланади:

$$BI_{t_1t_2}=|AG_{t_1t_2}|*RG_{t_1t_2}$$

“Ғизол”ларни аниқлаш корхоналар ўсишининг турли хил мезонларига боғлиқ. Биринчидан, бундай корхоналарни аниқлаш уларнинг ҳажми асосида амалга оширилади. Иккинчидан, бундай корхоналарни аниқлаш ўсиш ўлчови билан боғлиқ. Европа Комиссияси (2009) томонидан эътироф этилишича, миллий ва Европа сиёсатида асосий эътибор тез ўсувчи корхоналарга қаратилади.

Eurostat (OECD)нинг тез ўсувчи корхоналар ўсишини аниқлаш методикаси бўйича корхоналар ўсишини аниқлашда яна қуйидаги кўрсаткичдан фойдаланилади:

$$\text{Growth}=(x_{t_2}-x_{t_1})*(x_{t_2}+x_{t_1})/2$$

Бу ерда, x_{t_2} , x_{t_1} – t_1 ва t_2 даврларда иш ўринлари сони ёки савдо айланмаси. Бу кўрсаткич АҚШ статистик агентликлари томонидан фойдаланилади ва “Davis, Haltiwanger, Schuh” индикаторларига қаторига киради [6, -Р. 61].

Шунингдек, бу индикаторлар қаторига йиллик ўртача ўсиш кўрсаткичи киради. Бу кўрсаткич асосидаги куйидаги тенгликлар корхонанинг тез ўсувчи корхона ёки бундай корхона эмаслигини аниқлаш имконини беради [6, -Р. 61]:

Иш ўринларининг ўсиши бўйича:

$$\sqrt[3]{\frac{e_t}{e_{t-3}}} - 1 > 0,2$$

Бу ерда, e_t – корхонанинг охириги t -йилдаги иш ўринлари сони;

e_{t-3} – корхонанинг 3 йил олдин давр бошидаги иш ўринлари сони.

Савдо айланмасининг ўсиши бўйича:

$$\sqrt[3]{\frac{t_t}{t_{t-3}}} - 1 > 0,2$$

Бу ерда, t_t – корхонанинг охириги t йилдаги савдо айланмаси;

t_{t-3} – корхонанинг 3 йил олдин давр бошидаги савдо айланмаси.

Агар корхона тез ўсувчи ёки “ғизол” корхона ҳисобланса, $(t-3)$ йилдан t йилгача ҳар йили 20 %лик ўсишга эришиши лозим, бу охириги йилда умумий 72,8 % ўсишни кўрсатади. Корхоналарнинг ўртача йиллик ўсиши асосида уларни тез ўсувчи корхоналар сифатида аниқлаш қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

1. Корхонанинг тез ўсувчи корхона мезонларига, яъни бошланғич йил $(t-3)$ йилдаги иш ўринлари ёки савдо айланмасига мувофиқлиги аниқланади.

2. Корхона савдо айланмаси ёки иш ўринлари сонининг $(t-3)$ ва t йилларда камида 1,728 марта ошиши текширилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ва иш ўринларини ташкил қилишга катта эътибор берилмоқда. Иқтисодий барқарорлик мамлакат ЯИМнинг ўсиши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМ, мамлакат ташқи ва ички қарзлари даражаси, инфляция даражалари ҳамда миллий валюта айирбошлаш курсининг барқарорлиги каби макроиқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда аҳоли бандлиги даражаси асосида белгиланади.

Иқтисодиётимиздаги тез ўсувчи корхоналарни аниқлаш янги иш ўринларини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада оширади, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида янгидан-янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантиради. Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек, “2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу яратилган жами иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга ошираётган ана шундай чора-тадбирларимиз ўзининг юксак самарасини бермоқда” [1].

Аҳоли бандлигини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Буни инобатга олиб, мамлакатимиз иқтисодиётида тез ўсувчи корхоналар улушини ошириш бўйича қуйидаги таклиф ва хулосаларни беришимиз мумкин:

- тез ўсувчи корхоналарни аниқлаш методологияси асосида иқтисодиётда фаолият юритаётган “ғизол” корхоналарни аниқлаш;

- тез ўсувчи корхоналар фаолиятини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- корхоналар ўсиши, натижада эса янги иш ўринлари яратилишининг асосий омили сифатида корхоналарда инновацион фаолиятга катта эътибор қаратиш ва юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш зарур. Зеро, корхоналар инновацион маҳсулот ва хизматлар орқалигина ўз савдо айланмаси ва иш ўринларини ҳар йили камида 20 %га ошириш имконига эга бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Т.: //Халқ сўзи, 17 январь 2015 йил.
2. Clayton R.L., Sadeghi A., Spletzer J.R. and Talan D.M. High –Employment-Growth Firms: Defining and Counting Them. U.S. Bureau of Labor Statistics. Monthly Labor Review, June 2013, vol. 136, issue 6, 25 p.
3. Entrepreneurship at a glance 2014 © OECD 2014, Enterprise growth and employment creation. High-growth enterprises, 262 p.
4. Gazelles -High-Growth Companies- EUROPE INNOVA – Sectoral Innovation Watch. 82 p.
5. Magnus Henrekson. Dan Johansson. Gazelles as job creators: a survey and interpretation of the evidence. 280 p.
6. Manual on Business Demography Statistics. Methodologies and working papers. Eurostat – OECD. 102 p.
http://www.oecd-ilibrary.org/economics/eurostat-oecd-manual-on-business-demography-statistics_9789264041882-en